

**ЎЗБЕКИСТОНДА НАТИЖАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БЮДЖЕТЛАШТИРИШНИ  
ЖОРӢ ӢТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Марданов Панжи Уразович**

Мамлакатимизда натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни йўлга қўйишга бўлган уринишлар узоқ йиллардан бери давом этмоқда. Жумладан, натижага йўналтирилганлик масаласи дастлаб ҳуқуқий норма сифатида 2013 йилда қабул қилинган Бюджет кодексида бюджет тизими принциплари таркибида келтирилган.

Ушбу кодекснинг 14-моддасида бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги принципи-бюджет жараёни иштирокчилари бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ижро этишда ўзларига берилган ваколатлар доирасида бюджет тизими бюджетларининг белгиланган ҳажмдаги маблағларидан фойдаланган ҳолда натижага эришиш заруриятидан келиб чиқиши белгиланган.

Мазкур кўрсаткич ижрочи органнинг бюджет лойиҳасидаги ҳизматлар кўрсатишнинг самарадорлиги тўғрисида маълумотларни, шунингдек йил охиридаги ҳисботларда унинг мавжудлигини ва хужжатлаштирилишини кўриб чиқади. Унинг доирасида самарадорликни текшириш бўйича аудитлар ёки баҳолашлар ўтказилган ёки ўтказилмаганлиги аниқланади. Шунингдек, у ҳизмат кўрсатувчи бирлик томонидан олинган ресурслар бўйича маълумотлар тўпланиши ва рўйхатдан ўтказилиши даражасини баҳолайди.

Бундан ташқари, баҳолаш дастури услубиётига қўра бу кўрсаткич давлат ҳизматларини етказишдаги самарадорлик бўйича маълумотларнинг мавжудлигига, қамров кўламига ва ўз вақтидалигига, шунингдек бундай маълумотлар мазкур ҳизматларнинг натижавийлигини ва амалий самарадорлиги оширишга қандай даражада ёрдам беришига эътиборни қаратади.

Услубиётга қўра давлат ҳизматларини етказиб беришда амалий самарадорликка эришиш давлат молиясини бошқариш тизимининг асосий мақсадидир. Бюджет хужжатларига самарадорлик тўғрисидаги маълумотларни киритиш халқаро даражада илғор амалиёт ҳисобланади. Унинг ёрдамида ҳукумат дастурлари ва ҳизматларининг режалаштирилган ҳамда эришилган самаралари ва натижалари бўйича ижро органининг ҳисобдорлиги кучайтирилади.

Шу тариқа ушбу баҳолаш натижаларидан ҳам кўришимиз мумкинки мамлакатимизда бюджет харажатларининг самарадорлик кўрсаткичлари мавжуд эмаслиги яъни натижага йўналтирилмаганлиги катта камчилик сифатида халқаро даражада эътироф этилган.



Шунингдек, ушбу қарор билан 2021 йилдан бошлаб барча вазирлик ва идораларнинг бюджетлари харажатларининг самарадорлик индикаторларини белгилаган ҳолда мақсадли режалаштириш тизимига ўтказиш ва мазкур тизимни 2022 йил бюджетини шакллантиришда татбиқ этиш ҳам белгиланган.

Шу билан бирга, ушбу тизимни йўлга қўйишни узвийлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил

24 августдаги 506-сон қарори билан тасдиқланган 2020 — 2024 йилларда давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясида ҳам йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги “натижага йўналтирилган бюджет” тизимини жорий этиш белгиланди. Бу қарор талабларига қўра асосий эътибор бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини кенгайтириш бўйича тегишлиchorалар кўрилиши зарур.

Шунингдек, мазкур стратегияга қўра натижага йўналтирилган бюджет тизимини жорий қилиш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига мос равишда бюджет маблағларини тақсимлаш самарадорлиги оширилиши, солиқ-бюджет сиёсатининг мақсадларига эришишнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашнинг сон ва сифат кўрсаткичлари жорий этилиши мақсад қилинган.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Брингҳам Э.Ф., Эхрҳардт М.С. Финансиал манагемент тҳеорий анд прастисе. Тҳомсон Соутҳ-Western, 2008. 1107 п.
2. Ҳиллиер Д., Гринблатт М., Титман Ш. Финансиал Маркетс анд Сорпорате Стратегий. Лондон: McGraw-Ҳилл Ҳигҳер Эдусатион, 2012. 877 п.
3. Корсо Э. Инслусиве гроутҳ аналисис анд ХРВ: А методологисал ноте. 2011. Электрон манба: [хттп://citeresources.worldbank.org](http://citeresources.worldbank.org)
4. Ландесманн, Мичаел Алрой (2000): Структурал Чанге ин тҳе Транситион Экономиес, 1989 то 1999. Тҳе Виенна Институте фор Интернатионал Экономис Студиес.
5. Модиглиани Ф., Миллер М. Тҳе Сост оғ Сапитал, Сорпорате Финанс, анд тҳе Тҳеорий оғ Инвестмент // Америсан Экономис Ревиев, в. 48. (1958).
6. Модиглиани Ф., Миллер М. (1963) “Сорпорате Инсоме Таксес анд тҳе Сост оғ Сапитал: А Соррестион” Америсан Экономис Ревиев, Вол. 53, Но. 3, pp. 147 – 175.
7. Петер Брусов, Татаиана Филатова, Натали Ореҳова, Настиа Брусова. Weигҳтед авераге сост оғ сапитал ин тҳе тҳеорий оғ Модиглиани-Миллер, модифиед фор а фините лифетиме сомпанӣ // Апплиед Финансиал Экономис, в. 21, № 4.